

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси

Ҳимояга  
РУХСАТ ЭТИЛСИН  
Кафедра мудири  
Хотамов А.Т. \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 й.  
№ \_\_\_\_\_ баённомаси

5340300 «ШҚХ» йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун  
бажарилган диплом лойиҳасининг (ишининг)

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Лойиҳа (иш) мавзуси: Тошкент шаҳар, М.Улўзбек тумани, Ялангоч  
массивидаги жамоат биносини модернизация қилиш ва ҳудудини  
ободонлаштириш

Тушунтириш хати - \_\_\_\_\_ бет.  
Чизма \_\_\_\_\_ варақ

Лойиҳа муаллифи: **76-11 ШҚХ** гуруҳ  
Талабаси: **Караматова Сарвиноз**  
Раҳбар : **Шоджалилов Ш.**  
Маслаҳатчи 1.: \_\_\_\_\_  
Маслаҳатчи 2.: \_\_\_\_\_  
Маслаҳатчи 3.: \_\_\_\_\_  
Маслаҳатчи 4.: \_\_\_\_\_

**Тошкент – 2015 й.**  
**Мундарижа**

Тушинтириш хати. ....	1
Топшириқ вароғи.....	2
Алгоритм.....	3
Мундарижа. ....	4
<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I. АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ҚИСМ</b>	
1.1 Бино тавсифи.....	9
1.2 Объектни жойида кузатиш натижалар.....	11
1.3 Модернизация қилишдан мақсад ва масалалари.....	12
1.4 Олинган ечимлар.....	13
1.5. Бинонинг техник-иқтисодий курсаткичлари .....	15
1.6. Бино худудини ободонлаштириш.....	16
<b>II. КОНСТРУКТИВ – ҲИСОБ ҚИСМ</b>	
2.1. Бинонинг тавсифи.....	18
2.2. Бино текшириш услуги ва техник изланишлар.....	19
2.3. Визуалтекшириш натижалари асосида бино ҳолатини аниқлаш.....	20
2.4. Конструкциялар ҳисоби Асбоблар ёрдамида текшириш .....	21
2.5. Бинони эксплуатацияга яроқлилигини аниқлаш.....	23
2.6. Бинони ҳажм режалаштириш ечими.....	24
2.6.1. Бинонинг конструктив ечимлари.....	25
2.7. Пойдеворни кучайтириш.....	27
2.7.1 Пойдеворни ҳисоби.....	28
2.7.2. Простенкаларни кучайтириш услуги.....	34
2.7.3. Бетон конструкцияларини гидроизоляциясини тиклаш.....	36

### **III. ТАШКИЛИЙ ТЕХНИК ҚИСМ**

3.1. Объектнинг бош қурилиш режаси.....	40
3.2. Омборхоналар ҳисоби.....	41
3.3. Вақтинчалик иморатлар ва иншоотлар ҳисоби.....	46
3.4. Вақтинчалик сув утказгич тармоқларининг ҳисоби.....	47
3.5. Қурилиш майдонини электр билан таъминлаш .....	50
3.6. Қурилиш таъмирлаш ишларининг ҳажмини аниқлаш .....	51
3.7. Қурилиш ашёларига бўлган талаб.....	55
3.8. Машина ва механизмларга бўлган талаб.....	57
3.9. Ишчилар сонини ҳисоблаш.....	59

### **IV. Педагогик қисм**

4. Педагогик қисм.....	62
------------------------	----

### **V. Меҳнат муҳофазаси қисми**

4.1. Қурилишда меҳнат санитарияси ва гигиенаси .....	81
4.2. Меҳнат хавфсизлиги ва замонавий қурилиш объектларида меҳнат муҳофазаси тутган ўрни.....	82
4.3. Қурилиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги .....	83
4.4. Қурилишда ёнғин хавфсизлиги.....	86

<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>91</b>
--------------------------------------	-----------

# Кириш

## Кириш

Қанчалик фуқаро қурилиши ва аҳоли ортиб борган сари, замоннинг жадал суратларда ривожланиб бораётгани, техника тараққиёти шаҳар қурилиши ва хўжалигида турар жой ва жамоат биноларига бўлган эҳтиёж ва замонавийлик талаблари ҳам шунчалик ортиб боради. Булар эса ўз навбатида бино ва иншоотларни модернизация қилишга бўлган эҳтиёжини туғдиради.

Модернизация қилишдан мақсад режавий ечимини келгуси фаолиятига мослаш, муҳандисликжихожларини юксалтириш ва замонавийлаштириш, атрофини ободонлаштириш, кўкаламзор ҳудудларни яхши ташкил этиш, одамларга ҳар томонлама қулайлик, енгиллик ва ҳавфсиз шароитларни таъминлашдир.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач халқ манфаати, ватан равнақи, юрт ободлиги йўлидаги барча эзгу ишларга катта эътибор қаратилди.

Мустақиллик йилларида Республикамиз кундан-кунга таниб бўлмас даражада чирой очиб бормоқда. Мамлакатимизнинг турли жойларида ақлга сиғмас даражада бунёдкорлик ишлари бажарилиб келинмоқда. Бу бунёдкорлик ишлари лойиҳаси устида юқорида тилга олинган буюк инсонлар давомчиси сифатида Президент Ислом Каримов лойиҳа бош меъмори бўлиб фаолият юритиб келинмоқдалар. Энг улуғ ва энг азиз байрамлар арафасида Президент Ислом Каримовнинг лойиҳаси асосида қурилиб фойдаланишга топширилаётган янгидан янги тиббиёт муассасалари, корхоналар, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, санъат ва маданият кошоналари, равон йўллар, кўприклар, боғу-роғлар, хиёбонлар, фавворалар юртимиз шаҳару қишлоқлари кўркига-кўрк, чиройига-чирой кўшмоқда. Президент Ислом Каримов ҳукумат тепасига келган кунидан бошлаб мамлакат ободончилиги, халқ манфаати, юрт равнақи йўлида кўплаб савобли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Президент Ислом Каримов “Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тузилиш

жорий этиш йули шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур”лигини таъкидлайдилар.

Мамлакатимиздаги турли қадимий шаҳарларнинг тўйига тўёна қилиб янги бино ва иншоотлар қурилиб мавжуд иншоотлар реконструкция ва модернизация қилиниб фойдаланишга топширилмоқда. Бу каби фикримиз далилини пойтахт Тошкент шаҳри мисолида кўриш ўзимиз мумкин. Кейинги йилларда шаҳарда спорт, соғломлаштириш, болалар ва катталар учун дам олиш боғлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилиб, бу йўлда бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, охириги йилларда Пойтахтнинг Эски шаҳар қисми, Миллий боғ ва мустақиллик майдонлари, Бешёғоч майдонларида олиб борилган шаҳарсозлик ва реконструкция ишлари бунга мисол бўлади.

Республикаимиздаги олиб борилаётган қайта қурилиш ишларида Президентимиз Ислам Каримовнинг ўзлари бош бўлиб, юқоридаги ва бошқа қурилиш ишларида, лойиҳадаги камчиликлар тўғрисида бош миллий руҳда, унинг ободонлиги, кўкаламзорлиги йўлида қилинган барча ишлар ва айтилган фикрлар бунга мисолдир.

Ҳар қандай жамоат ёки турар жой биноси ўз вазифасига кўра маълум бир техник, иқтисодий, архитектура каби талабларга жавоб бериши керак. Яъни бино қайси жараёнга, мақсадга мўлжалланган бўлса, у шу жараён талабига тўлиқ жавоб бериши керак. Бино мустаҳкам ва устивор бўлиши, эксплуатация сифатларини узоқ йил давомида сақлаш лозим. Иқтисодий жиҳатдан қулайлиги, Яъни бино ва иншоот қурилишида, капитал ва жорий таъмирлаш ишларида меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материаллари ҳамда вақтни тежаш кўзда тутилади. Зеро, шаҳарни қайта қуриш, модернизациялаш ва реконструкциялаш ишларини ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий мерос, ўзимизга, миллатимизга хос қурилиш услубларимиз, миллий меъморчилик анъаналаримизни сақлаб қолган замон билан ҳамнафас уйғунликда амалга ошириш ва юртбошимиз Ислам

Каримовнинг “Янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаймиз”, деб билдирган фикрларини шиор қилган ҳолда фаолият юритиш юрт равнақи, халқ манфаати, ватан ободлиги йўлидаги энг катта эзгу ва савобли иш бўлар эди.

Бинолар реконструкцияси ва модернизацияси лойиҳалар сифатини ошириш муаммоси анча мураккабдир. Республикамизнинг хажми бўйича улкан бўлган фуқаролик жамғармаларида 2 та бир хил қурилмани топиш қийин. Чунки, битта лойиҳа асосида қурилган 2 та бино қурилиш конструкцияларнинг тайёрланиш сифатининг ҳар хиллиги ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг ўзига хослик билан амалга оширилиши, ёки эксплуатация талабининг ҳар хиллиги туфайли турли техник ҳолатида бўлади. Бу эса ўз навбатида ушбу объектларнинг реконструкция ва модернизация бўйича лойиҳа қарорларини умумийлаштириш имкониятини қийинлаштиради. Шу боис фуқаролик биноларини реконструкциялаш ва модернизациялаш ўзига хос, ягона лойиҳалар билан амалга оширилади.

Фуқаролик жамғармаларини реконструкциялаш ва модернизациялашда хажмий режалаштириш, принципал конструктив лойиҳалари ва конструктив қарорларини ўрганиб чиқиш лозим. Бинонинг жисмоний ва маънавий эскириш даражасини аниқлаш, реконструктив тадбирларни амалга оширишнинг техник ва технологик шаҳар қурилиш шарт-шароитларини ўрганиб чиқиш, ундан кейин эса техник қарорлар қабул қилинишни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар доим ҳам энг қизиқарли ва энг муҳташам бинолар- бу жамоат бинолари бўлиб келган. Инсон тафаккурининг энг олий даражасидаги ҳайратлантирувчи бинолар- бу жамоат биноларидир. Шунинг учун ҳам шаҳарсозликда қурилишга ажратиладиган маблағнинг 28-30% жамоат биноларига берилади. Кундан –кунга ривожланиб бораётган илмий-техника тараққиёти эса жамоат биноларини меъморий лойиҳалашнинг услубий, назарий ва илмий асосларини ўрганмай туриб, бадий уйғунлигини

тушунмай туриб, янги қурилиш меъёрларини билмай туриб, лойихалаш мумкин эмаслигини тақозо этади.

Мамлакат ҳаётининг-идеологик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа барча жабҳаларида раҳбарлик қилувчи, давлат ва маъмурий-хўжалик бошқарув органлари, шунингдек муассалар ҳамда ташкилотларни жойлаштириш учун жамоат бинолари таркибига кирувчи махсус бинолар мавжуд. Булар таркибига вазирликлар, қишлоқ кенгашлари, трестлар, давлат банк бўлинмалари, Халқ Суди, жамоа хўжаликлари ва ташкилот бошқаруви бинолари, турли фирмалар бошқармаларини ва монополияларини, суғурта компанияларини, банкларни, реклама ва бошқа агентликларни жойлаштириш учун мўлжалланган “офис” ҳамда “Бизнес марказ”лари, мехмонхоналар қиради. Бундай бинолар турли бўлишига қарамасдан уларнинг умумий вазифаси яъни, бошқарув ишларини ижобий ҳал этилиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш шунингдек, лойихалаш ишлари бирлаштириб туради. Бошқарма бинолари муассасалари турига ва тайинланишига кўра тавсифланади. Уларда бир ёки бир неча муассалар, ташкилотлар жойлашган бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳарида биноларни реконструкция ва модернизация ишлари актуал бўлганлиги учун фуйидаги диплом лойиҳа мавзуси танланган.  
“Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани Яланғоч массивидаги жамоат биносини модернизация қилиш ва худудудини ободонлаштириш”

**АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ**  
**ҚИСМ**

## 1.1 Бино тавсифи.

Бинонинг вазифаси – меҳмонхона

Қурилган йили 1973 йил, охириги капитал ремонт 1997 йил, галлерия типда қурилган.

Капиталлик синфи (класс) II

Ёнғинга бардошлилиги II

Худудларнинг муҳандислик геологик шартлари:

--Қор қоплами оғирлиги  $50 \text{ кг/м}^2$ ;

--Шамол тезлиги босими –  $38 \text{ кг/м}^2$

- Тупроқлар (гурунт) чуқувчанлиги I тоифали
- Зилзилага бардошлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат маъморчи-лик ва қурилиш назорати бошқармасининг зилзила бўйича микрорайонлаштириш харитасига муофиқ –8 балл.

Хажмий–режавий ечими;

Ушбу объект 2 қаватли, туғри тўртбурчак шаклига эга.  $42,0 \times 11,2 \text{ м}$ , биринчи қаватга қушимча қурилиши фасад томондан қилинган. Бино конструктив схемаси: бикирликка эга кўндаланг ва бўйлама юк кўтарувчи деворлар жойлашган.

### Конструкциялари

1. Пойдеворлар– тасмасимон, куйма темирбетон, айрим жойларда–коллонкалар ўрнатилган.
2. Цокол– темирбетон, баландлиги 500мм.
3. Отмостка– бетондан, эни 80 мм.

4. Ташқи деворлар– ғиштдан, қалингини 51.0 мм. Ички деворлар–қалинлиги 380мм, 120мм.
5. Ораёпмалар– темир бетон кўпбўшлиқли плиталардан, қалинлиги–220мм.
6. Зиналар–темирбетонли маршли, майдончалари (площадкалари) темирбетонли, тутқичлари (перилари) – металлдан.
7. Поллар– хоналар ва коридорларда– тахтадан, кириш майдончаси, зина катига–бетондан.
8. Деразалар–ёғочдан, уч табақали, икки табақали, қўш ойнали, қўш ромли.
9. Эшиклар– ёғочдан, бир табақали, икки табақали;
10. Том ва томёпма – текис, рубероидли, битумли мастикада, парапет баландлиги 1,0м
- 11.Сув оқиб тушиши–ташқиллашмаган.

#### Ташқи безаклаш:

Фасад кум–цемент қоришмасида сувоқланган–мармар крамка қушилиб.

#### Ички безаклаш:

Хоналар–водаэмульсия билан, айрим номерлари гулқоғоз билан безакланган:

Хожатхона деворлари 1,8 м гача сопол плиткалар билан қопланган, юқори қисми ва хоналарнингшифтлари эса мелли материал билан оқланган.

#### Бино муҳандислик жихозланиши:

Бино муҳандислик коммуникациялари ер остидан келтирилиб, бино ертўласига жойлаштирилган.

Совуқ сув таъминоти–марказлаштирилган ва ташқи сув тармоғига уланган.

Иситиш тизими—марказлаштирилган. Бино хоналари радиаторлар ёрдамида иситилади. Радиаторлар хонада дераза остига жойлаштирилган ва қозиклар ёрдамида маҳкамлаланади.

Шамоллатиш тизими—табiiй шамоллатиш йули билан амалга оширилади. Маъмурий хоналари БК–1500 ва БК–2000 совутгичлари билан таъминланган.

Газ таъминоти—газ таъминотларига эга.

Санитария узелларига эга.

## **1.2 Объектни жойида кузатиш натижалари**

Бино конструкциялари ҳолати:

1. Пойдеворлар. Ҳолати қониқарли, ёриқлари бор, гидроизоляция қисман берилган. Майда ёриқлар цокль қисмида ва сувоқ қатлами кўчган ва намланган, зах тортган.
2. Кириш қисми (крыльцо) яроқсиз ҳолатда.
3. Отмоска. Ёриқлар, чўккан қисмлар мавжуд, цоклдан қисман сурилган ;
4. Ташқи деворлар. Кўп сонли ёриқлар ва баъзи қисмлари тушиб кетган, чокларни шамол очиб юборган. Цокольда тушиб кетган жойлари мавжуд ва намлик излари бор;
5. Ички девор ва пардеворлар. Кўплаб жойларда сувоқлар тушиб кетган. Ёишт қисми мустаҳкамлиги бўшашган, баъзи ёишлар тушиб кетган. Пардевор айримларини ҳолати қониқарсиз, кўплаб шикастланган.
6. Ораёпмалар. Ораёпма конструкцияси етарли мустаҳкамликка эга, айрим жойларда ёриқлар бор. Девор билан ораёпма қотирилган қисмлари мустаҳкамлиги бўшашган. Сув оққан доғлар мавжуд, бўйлама ёриқлар бор.

7. Зиналар ҳолати қониқарли, оёқ ости қисмлари емирилган. Тўсиқ тиргак, устунлари тебраниш бор.
8. Поллар. Йўлаклар, ошхона полларининг устки қисми кучли емирилган. Баъзи жойлари чўккан, биринчи қаватда ён кўндаланг девор томонга нишаб ҳолда, 2 қаватда баъзи хона поллари қимирлаши мавжуд.
9. Деразалар ҳолати қониқарли эмас, кесаклари қийшайган, табақаларининг кўпи очилмайди, ёғоч қисмлари айрим жойлари бўшашиб кетган, ёрилган, эски нодификацияли.
10. Эшиклар. Табақаларининг таг қисми кучли емирилган. Баъзи эшик кесаклари бўшашиб қолган. Эски модификацияли.
11. Том ва томёпма. Ҳолати қониқарсиз, баъзи жойларда камлиги билиниб турибди. Конструкцияларнинг 1–2 ўқ оралиғида сув, нам доғлари мавжуд. Том ёпмаси дефектлари кўп, шикастланган, алмаштириш зарур.
12. Ташқи пардоз–кўп сонли ёриқлар, сувоқ қатламини тушиб кетган қисмлари кўп.
13. Ички пардоз–ёриқлар, намлик излари қорайиб кетган, бир хил жойларда обойлар кўчиб кетган сувоқлари тўшиб ётибди.
14. Ховли майдони кам ободонлаштирилган ва етарли кўкаламзорлаштирилмаган.

### **1.3. Модернизация қилишдан мақсад ва масалалари.**

Таъмирлашнинг–мехмонхонани фойдаланиши жараёнида икки асосий муаммо юзага келади: Мавжуд мехмонхонани сақлаш ва унинг эксплуатация қилиш сифатларини кўтариш. Биринчи муаммо жисмоний емирилишни йўқотишга қаратилган, асосан икинчиси бинонинг маънавий емирилишини бартараф этишга қаратилган. Асосий вазифаси модернизациядан сўнг мехмонхона замонавий ҳолатда меёрий талабларга жавоб берадиган бўлиши керак ва қайта режалаштириш натижасида

эксплуатацион сифатларини кўтарошдир ва ҳозирги замонга жавоб бериш.

Қайта тиклаш ва модернизация қилиш қуйидагиларни уз ичига олади: қайта режалашни, асосий ўлчамларини (габарит) ўзгартириш бинонинг (устига қуриш, ён атрофига қуриш тақаб, тагига қуриш) конструкцияларни кучайтириш, қисман бузиш ва конструкцияларини ўзгартириш – алмаштириш, янги самарали муҳандислик жихозларни ўрнатиш, ҳамда бино фасадларини яхшилаш.

Йирик шаҳарларда биноларни қурилишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, марказий жойлашган қисми доирасида асосий таъмирлаш объектлари одатда 2–4 қаватли бинолар ҳисобланади. Бу ҳолатда бино устига қуриб таъминлаш нафақат шаҳар ташқи кўринишини ўзгартиради, шу билан бирга қимматли шаҳар ерини рационал фойдаланишга имконият беради, транспорт ва коммуникацияларни қисқартиради.

Бинони кўтариш ва устига қуриш– бундай таъмирлаш ва ёнига қуриш натижасида меҳмонхонада қуйидагиларни жойлаштириш имкониятини беради: кафе, почта, телеграф, гўзаллик салони, гардероблар, банкет заллари, сувенерлар сотиш киоскалари ва бошқалар.

#### Хажм режаланиши

Меҳмонхона – 2 қаватли бинода жойлашган. Хар бир қаватида бир хонали– уч уринли – 4 та, бир хонали – икки уринли – 4 та.

Меҳмонхонадаги хоналар ШНК 2.08.02–09\* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” талабларига тўла жавоб бермайди, чунки сан. Узел ва душ хоналари коридорнинг охирида жойлашган ва ховли худуди ободонлашган.

#### 1.4. Олинган ечимлар.

Бизнинг объектни модернизация натижасида замонавий талабларга ва қулайликларга эга бўлган меҳмонхона олиш учун қуйидаги ишлар бажарилиши керак;

- Меҳмонхонани қайта режалаштириб замонавий талабларга жавоб берадиган ва одамларга барча қулайликлар яратиш;
- Меҳмонхонада ўринларни қўпайтириш мақсадида бинони устига яна бир қават қуриш;
- Меҳмонхонадаги хоналарни қайта режалаштириш ва шуни натижасида ҳар бир номерда алоҳида санузел ва душ хонали қилиш ва 2чи қаватда ҳар бир номерга балконлар ўрнатиш;
- Ҳар бир номери бир уринли ва икки уринли қилиш;
- Қулайликларни яратиш учун бинони ёнига 9–12 уқлар бўйича қушимча қурилиш қилиш;
- Кабенит ва хоналарга замонавий дераза ва эшиклар ўрнатиш;
- Фасадларни модернизациялаш ва замонавий ALUKOBON ва бошқа замонавий материаллар билан безаклаш;
- Барча хоналарни, коридорларни капитал ремонтини амалга ошириш;
- Том ёпмани янгилаш;
- Кафетерий хонасини, қисмларни тозалаш ва дазмол қилиш хонаси, инвектаръ ва сартарошхонасини қўшимча қилиш.

#### Модернизациядан сўнг мавжуд бўлган номерлар

Ҳар бир қаватда:

Бир хонали– бир уринли–бта (люкс хона)

Бир хонали– икки уринли–бта

### 1.5. Бинонинг техник–иқтисодий курсаткичлари (ТИК).

ШНК 2.08.02–09\* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” га биноан хоналарнинг майдони майдон (юза) сифатида белгиладик. Жамоат бинолари хоналари майдонини уларнинг улчовлари бўйича уларни пол сатхидан айрим деворлар ва пардеворлар сатх уртасида улчаш керак бўлади.

Бинонинг ер сирти қисмининг қурилиши хажмини полнинг узидаги белгидан бошлаб, буртик архитектура деталлари ва конструктив элементлар, бинонинг ҳар бир қисмидан тўсувчи конструкциялари ҳам қўшиб ҳисоблаб, чекланувчи юза чегараларини аниқладик.

Бинонинг қурилиш майдонини пойпеш сатхида бинонинг ташқи хошияси бўйлаб бўртик қисмларини бирга қўшган ҳолда горизонтал кесимининг майдон (юза) сифатига белгиладик.

Режалаштиришнинг рацмоналлик коэффициентини  $k_1$ – бинонинг иш майдонининг (юзаси) умумий майдонга (юзага) нисбати билан аниқланади. Ҳажм коэффициенти  $k_2$ –қурилиш хажмининг умумий майдонига (юзага) нисбатини баҳоланади.

Мана шу ҳисоблашлар натижасида бинонинг техник иқтисодий курсаткичларни аниқладик ва қуйидаги жадвалда келтирдик.

#### Техник–иқтисодий курсаткичлар.

Жадвал 1.1

№	Номланиши	Улчов бирлиги	Модернизациядан олдин	Модернизациядан кейин
1	Ишчи майдон	М <sup>2</sup>	743,0	1463,12

2	Умумий майдон	М <sup>2</sup>	1064,08	2070,13
3	Қурилиш майдон	М <sup>2</sup>	754,75	973,55
4	Қурилиш хажми	М <sup>2</sup>	4970,91	8781,16
	а) ер усти қисми	М <sup>2</sup>	4152,3	7962,55
	б) ер ости қисми	М <sup>2</sup>	818,61	818,61
5	Қаватлар сони		2	3
II				
1	К <sub>1</sub> –рационал режал коеф		0,70	0,71
	К <sub>2</sub> –ҳажм коеф		4,67	4,24

### **1.6. Бино ҳудудини ободонлаштириш.**

Бинони ҳудудини ободонлаштириш натижасидаттеннис майдони, фонтанлар, омборхона, хўжалик ховли, авто турадиган ва тухтайдиган жойлар яратилади. Дарахтлар мевали ва декоратив экилди, гуллар ва жуда кўп экинлар экилди.

# **КОНСТРУКТИВ ҲИСОБ**

## **ҚИСМ**

## 2.1 Объект тавсифи.

Объект 2–қаватли меҳмонхона биноси бўлиб, решада тўғри тўртбурчак шаклига эга, 42,0x11,2 м меҳмонхона–Мирзо Улуғбеке туманида жойлашган.

Бинонинг конструктив схемаси: бикирликка эга (тесткал), комбинирован кўндаланг ва бўйлама юк кўтарувчи деворлардан иборат.

Бинонинг асосий конструкцияси пойдеворлар, ташқи деворлар, ички деворлар ва пардеворлар, ора ёпмалар, зиналар, том хисобланади.

- Пойдеворлар: тасмасимон, қуйма темир бетондан ва коридор тагида стакансимон пойдеворлар жойлашган;
- Ташқи деворлар: ғиштли, қалинлиги 380мм.
- Пардеворлар: ғишдан, қалинлиги 120мм.
- Ораёпмалар: темирбетон кўпбурчакли плиталар, қалинлиги 220мм, шифт қопламаси қотирилган, иссиқ тутғич урнатилган;
- Зиналар: темирбетон маршли, зина майдончаси, тутғичи, қопламаси ва зинапоясси темир бетондан.
- Том ва том ёпмаси: текис 4 қаватли рубероид, битумли пластикада
- Отмостка – бетондан, эни 80 см
- Поллар – хоналар ва коридорларда тахтадан, кириш майдончаси, зина катталигида – бетондан, санузелда – сопол плиткалар.
- Деразалар – ёғочдан, икки табақали, қўш ойнали, қўш ромқали.
- Эшиклар – ёғочдан, бир табақали, икки табақали.
- Сув оқиб тушиши – ташкил қилинмаган.
- Ташқи безаклаш –фасад – қум цемент қоришмасида мрамар арошка кўшилиб.
- Ички безаклаш – хоналар – водоемульсия билан, айрим номерлари гулқоғоз билан безалган, хожатхона деворлари 1,8 см гача сопол плиткалар билан қопланган.

## **2.2. Биноларни текшириш услуби ва техник изланишлар.**

Бирон бир объектни реконструкциясини амалга ошириш учун биринчи навбатда бинони ва уларнинг эксплуатацион сифатларини белгилаб олиш зарур. Бунинг учун қуйидаги усуллар мавжуд, булар ёрдамида конструкциялар ҳолатини аниқлаш мумкин:

1. Кўз билан (визуал) аниқлаш усули; Бу усул конструкцияларнинг сифати ва тавсифини ташқи кўринишига қараб аниқлашга асосланган махсус ўлчов асбоблари ва ускуналарсиз. Бу усулда яхши томони шундаки, тез ва намунали конструкция емирилиши процентини кўрсатиб, унинг ҳолати ҳақида хулоса бериш мумкин.
2. Механик усул, материаллар мустаҳкамлиги ва унинг баъзи бошқа хусусиятлари орасидаги боғлиқликдан фойдаланишга асосланган. Бу усулнинг яхши томони материални физик – механик хусусиятларини аниқлашдир, лекин ҳақиқатга яқинроқ – тахминий;
3. Лабораторияда синаш услуби алоҳида олинган намуналарни, мавжуд конструкцияларнинг барча асосий мустаҳкамлиги ҳақидаги тавсифномани олишга катта аниқликда имкон беради. Бунинг учун материал намунаси бино конструкциясидан танланган майдон олинади.
4. Конструкцияни жойида турган ҳолатда синов, бундай усулдан фойдаланиб ўта капитал ва қимматли биноларни таъмирлашдагина мақсадга мувофиқ. Бунда асбоб – ускуналар фойдаланилаётган бинонинг конструкцияларига ўрнатилади ва синалаётган конструкцияга қисман юк бериш ишлари бажарилади.
5. Физик усул конструкцияларининг баъзиларини физик механик хусусиятларини тўлқинсимон ва тебранма ҳаракатланиш параметрларига қараб материал тавсифи сифатида фойдаланишга асосланган. Бу услуб кам меҳнат сарфлаб катта аниқликдаги натижани беради.

6. Комплекс услуб бир вақтда электрон акустик, радиотехник ва бошқа усулларни турли мутаносибликда баъзи ҳолатларда ЭВМ ни қўллаш орқали аниқланади.

Бизнинг бинони техник ҳолатини аниқлашда кўз билан кўриш ва механик усулдан фойдаланамиз. Ушбу объект модернизация қилинган улардан замонавий талаб, эҳтиёжларга жавоб берган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлади деб хулоса қилиш мумкин.

### **2.3. Визуал текшириш натижалари асосида бино ҳолатини аниқлаш.**

Визуал текшириш натижасида қуйидагилар аниқланади:

- Пойдеворлар; ёриқлари мавжуд, қисман емирилишлар бор. Цоколда майда ёриқлар, баъзи жойларда цокол сувоқ қатлами бузилиши, намлик излари бор. Пойдевор ҳолати қониқарли.
- Ташқи деворлар; кўп сонли тартибсиз жойлашган ёриқлар, баъзи жойларда сувоқлар тушган, ёриқлардан шамол ўтади, ҳолати қониқарсиз ремонт талаб.
- Ички деворлар; кўплаб сувоқлари тўшиб кетган, деворларнинг ғиштлари бўшашиб қолган, ғиштлари тушиб кетган, ремонт талаб. Ҳолати қониқарли.
- Пардеворлар; ҳолати қониқарли. Кўп сонли ёриқлар чокларида ораёпма билан, деворлар билан ва ўзаро му-о жойларда қотириш узеллари йўқ. Оралиқ ёпма деворлар билан пардеворлар орасида ораёпма конструкцияси етарлича мустаҳкам эмас, иссиқлик сақлагич уваланиб тўшалмоқда. Баъзи жойларда ораёпмабириктирилган жойи шикастланган, деворларда сув оққан излар мавжуд, нам доғлари, бўйи бўйича ёриқлар, занг доғлари мавжуд. Ҳолати қониқарли, ремонт талаб.

- Зиналар: кучли емирилган қопламаси майдончага ва зинапоялари тўсиқ устунлари озгина тебраниши аниқланди. Ҳолати қониқарли, ремонт талаб.
- Том: баъзи жойларда конструкциянинг намланиши билиниб турибди, шикастланган жойлари куп, бириктирилган жойларда бузилиши (разрав) лар аниқланади. 1–2 ўқлар оралиғида томдан сув ўтиш излари мавжуд. Ҳолати қониқарсиз.
- Ташқи деворлар: кўп сонли тўсиқларга эга.

#### **2.4. Асбоблар ёрдамида текшириш.**

Бинолар шикастланишини диагностикасининг икки асосий хили мавжуд, визуал ва инструментал текширув. Бинони инструментал текшириш учун созланган ва текширилган ускуна асбоблардан фойдаланиши керак. Темир – бетон пойдеворларни текширувда биз ультратовуш ускуна УКБ–1 дан фойдаланамиз. Бу асбоб ёриқлар, бўшлиқлар, ўзга жинс аралашганини аниқлаш учун худди шундай бу асбоблар ва янги асбоблар ОНИКС–3,0; ПОИСК–2,6 билан қуйидаги физик – механик хусусиятларни аниқлаш мумкин: материал мустаҳкамлиги, деформацияланиш хусусиятларни чокларни қуймаслигини , конструкцияларнинг геометрик ўлчамларини ва бошқаларни.

Нивелир ёрдамида НА – 1 биз нотекис чўкишларни, ораёпмаларни эгилганлигини аниқладик.

Иншоотнинг режадаги силжишларини ўлчаш Т–2 теодолит билан амалга оширилади. Ёриқлар очиқ жойни энини қалинлик ўлчагич билан аниқладик. Чизиқли лупа билан ва олиб юриладиган микроскоп МИР–2 билан қайсини ёриқларни расмга олиш учун фотога олиш апарати ўрнатилган. Биз ёриқларни текширувида энг аввало уларнинг сабабини аниқладик, чунки ёриқлар конструкция ортиқча юк тушиши ва деформациясининг ташқи аломати бўлиб хизмат қилади. Ушбу

объектний ўрганишда биз прогонларни таянч тутиб туриш жойларига, дераза оралиғидаги деворлар ҳолатига, перимечкаларга, цоколларга бўйлаб бино ҳолатига алоҳида эътибор қаратдик. Пойдевор ва бошқа конструкциялар чўкканда ёриқлар пастга кенгая боради, у кўтарилганда эса тепага кенгая боради.

Конструкциялар деформацияланганини баҳолашда биз маяклардан фойдаландик. Улар деформациялари сифатли, аниқ ҳолатини кўрсатишга имкон беради, ричаглилик ва унинг интенсивлигини. Маяклар цементли – бинонинг ташқаридаги қисмлари учун, бино ички қисмлари учун алебастр жисм маяклардан фойдаланилади.

Махсус тайёрланган оддий мосламалар ҳам мавжуд – нишаб ўлчагич (уклонометрлар) улар ёрдамида отмостка юзалари нишабини, томлар ва бошқаларни аниқлаш мумкин. Сувоқларни ёпишқоқлигини аниқлаш учун адгезиометр ЛНИИ АКХ қўлланилади.

Деворлардаги қоналлардаги гидроизоляция ҳолатини аниқлашда электр улчов услуги қўлланилади, М-1102 ёрдамида аниқланди.

Асбоблар ёрдамида текширув натижасида қўйидагилар аниқланади:

1. Пойдевор ҳолати қониқарли, аҳамиятсиз ёриқлар мавжуд.  
Пойдеворларда чўкиши йўқ. Таъмирлашдан олдин янги юкларни инобатга олиб пойдеворлар мустаҳкамлиги бўйича ҳисоблаш ишлари амалга ошириш зарур. Зарурият бўлса пойдеворларни тагини кенгайтириш керак.
2. Деворлар қониқарли ҳолатда, ёриқлар сувоқ кўчиб тушиши, бурчаклари синган, баъзи жойларда намлик излари чокларнинг шамол ўтказиш ҳолатлари мавжуд. Ремонт қилиш керак.

## **2.5. Бинонинг эксплуатацияга яроқлилигини аниқлаш.**

Ҳар қандай бино эксплуатацион, техник, иқтисодий ва архитектура – бадий талабларини қондириш керак.

Функционал бино мақсадга мувофиқ бўлиши керак, яъни ўз вазифасига янада тўлақонли жавоб бериш, меъёрий хизмат муддати давомида топширилган санитария–гигиена, иқтисодий, технологик ва эксплуатациянинг бошқа шартларига тўғри келиши керак. Бундай шартларни таъминлаш учун лойиҳалаштириш босқичида КМК ва ШНК асосида талаб қилинган миқдорида хоналар, асбоб–ускуналар, эвакуация ва транспорт инженерлик тизмлари ва қурилмани жойлаштириш йўллари танланади.

Берилган эксплуатацион таърифномаларга эришиш учун табиий иқлим шароитлари, бино ориентация (мўлжали)си, инженерлик тизимлари. Алоқа воситалари ускуналари, ёритилганлик, хоналарнинг ҳарорати – нам режими ва бошқа жиҳатларни ҳисоблаш зарур.

Ҳар бир бинонинг эксплуатацион яроқлилиги икки гуруҳга бўлинади:

1–гуруҳ – физик–техник ҳолати чидамлилигини таърифлаб берадиган параметр–мезонлар; мустаҳкамлилиги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган деформативлик, ёриқларнинг очилиши, герметиклик, иссиқликни сақлаш ва ҳоказолар кўрсаткичлар;

2–гуруҳ – маънавий чидамлилиқни таърифлаб берадиган параметрлар (мезонлар): замонавий вазифаси бўйича майдони, баландлиги, ҳажми, инженерлик ускуналари, архитектура мезонларига бинонинг мувофиқлик кўрсаткичлари.

Инструментал баҳолашда, меъерий, иншоот паспортида ёзиб кўйилганига кўра белгиланган параметрнинг ҳақиқий қийматини солиштирган ҳолда конструкция ва иншоотнинг эксплуатацион яроқлилиги ҳақида хулоса чиқарилади, сўнг берилган меъёрда мазкур параметрни ушлаб туриши бўйича ва ҳисоб даражасида чора – тадбир кўриш ҳақида қарор қабул қилинади.

### **2.6.1. Бинонинг ҳажм–режалаштириш ечими.**

Мехмонхона биноси модернизация натижасида унинг ҳажм – режалаштириш ечими айрим хоналар ўзгартирилди. Асосий хоналар бу номерларидир. Ҳозирда кўпгина номерлар ва хоналар меъёрларга жавоб бермайди, ёнғин хавфсизлиги ва эвакуация йўқ, душ ва санузеллар нотўғри жойлаштирилган, техник талаблар қониқарсиз аҳволда.

Лойиҳага кўра мехмонхонани қайта жиҳозлаш, пардоз қилиш, полларни таъмирлаш, ёрдамчи хоналарни қайта режалаштириш, деворларни пардозлаш, сантехник жиҳозларини алмаштириш, ёнғин қурилмаларини ўрнатиш, олов ўчиргич ва ёнғинга қарши датчикларни ўрнатиш, эвакуация йўлини тозалаш кўзда тутилади.

Мехмонхонадаги номерлар, хоналар ШНК 2.08.02–09 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» талабларига тўла жавоб бермайди. Ўтказилган модернизация натижасида бинонинг ҳажмий режавий ечими узгаради. Яъни биз томондан устига қўшимча 1 қават ва энига (9–12 уқлар) қуриш амалга оширилади ва бино атрофида ободонлаштириш ишлари оборилади.

Бино ичида қайта режалаштириш ва қўшимча 3 чи қават ва энига қурилиш натижасида ШНК 2.08.02–96 “Жамоат бинолари ва иншоотлари” талабларига ва замонавий талабларга жавоб берадиган мехмонхона яратилди ва қуйидагилар жойлаштирилди:

- Номерларни (хоналарни) қайта режалаштириш натижасида ҳар бир хона бир ўринли (люкс) ва икки ўринли филинади;
- Ҳар бир хонада алоҳида санузел, балкон ва душ хонаси қилинади;
- Ёнига қуриш натижасида қушимча номерлар (хоналар) навбатчи адмикистрация хонаси, юк сақланадиган хона, ходимлар хонаси, тиббиёт пункти ва бошқалар яратилади;
- Кабенет ва хоналарга замонавий дераза ва эшиклар урнатилади;
- Барча хоналарда, номерларда, коридорларда капитал ремонт қилинади;
- Том ёпма янгиланади;
- Фасадларни замонавий ALUKOBON ва бошқа замонавий материаллар билан безакланади;
- Кафетерий хонаси, беромларни сақлаш хонаси, катта ва кичик бутеклар, сартарошхона ва бошқалар яратилади;
- Ховли худуди ободонлаштирилди;
- Гидроизоляция ишларини қилинди;
- Отмосткани янгисини ётқизилди.

### **2.6.2 Бинонинг конструктив ечимлари.**

Мехмонхона биносини визуал ва асбоб ускуналар билан текширувдан кейин биз қуйидаги хулосага келдик:

1. Пойдеворлар қониқарли ҳолатда, кейинчалик фойдаланишга яроқли, лекин қушимча 1 қават устига қуришимиз сабабли ҳисоблаш ишларини пойдевор учун амалга ошириш ва керак бўлса уларни кучайтириш зарур ва гидроизоляция қилиниш керак.
2. Ёиштли юк қўтарувчи деворлар қониқарли ҳолатда, лекин катта хоналарни режалаш натижасида қушимча эшик ва дераза ўринларини очишимиз туфайли, улар олралигидаги деворларни ҳисоблаш ва кучайтириш зарур.

3. Пардеворлар ғишдан, қалинлиги 120 мм қоникарсиз ҳолда, барча пардеворлар янги, қалинлиги 120 мм ли ғиштли пардеворга ўзгартирилади.
4. Ораёпмалар – йиғма темирбетонли, кўп бўшлиқли, плиталари айрим жойларда шикастланишлар, юзанинг 20% майдонга тузланиш ва намланиш излари
  - Ремонт қилиш лозим.
  - Сейсмополс ўрнатиш.
5. Зиналар темир бетонли, ремонт қилиниши керак.
6. Поллар санузулларда ва зина майдончаларида керамикали плиталар, бошқа хоналарда паркетдан;
7. Том; биз 1 қават устьки қурилишини амалга оширганимиз туфайли том янгидан енгиллаштирилган. Текис қилиб иситгич қатлами пенобетон ўрнатилади, ёпма учун янги ётқизилади.

Асбоб билан текшириш натижасида аниқланган ва ўрнатилган бино факт бўйича параметрлари кўрсаткичларини солиштириб, меёрий бино паспортида ёзилганлар бўйича конструкциялар ва иншоотлар эксплуатацион яроқлилиги ҳақида хулоса қилинади. Шундан сўнг қарор қабул қилинади. Ушбу параметрларни қўллаш чоралари бўйича меёрларда берилган қайта режалаш натижасида янги эшик ва дераза ўринлари очиш зарур бўлади, айримларини ёпиш керак.

Модернизациядан кейин барча зарур янги муҳандислик жихозлари билан жихозланган; иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, электр таъминоти, газ таъминоти, марказий иситиш системаси, вентиляция. Модернизация натижасида биз замонавий меҳмонхона биносига эга бўлдик. Бу бино 3– қаватли ва 2.08.02–09\* “жамоат бинолари ва иншоотлари” ҳамма талабларга жавоб бера олади.

## 2.6. Пойдеворни кучайтириш.

Пойдеворни кучайтириш ва тиклаш тадбирларнинг КМК нинг “ Юклар ва таъсирлар” КМК 2.01.03–96 “Зилзилавий худудларда қурилиш, КМК 2.03.03–96 “Бетон ва темир бетон конструкциялар” талабларига муофик амалга оширилади.

Қаттиқ пойдеворларни кучайтириш, уларни товонини ошириш ёки турли хилдаги сваёлар ёрдамида ошириши мумкин. Пойдевор товони ўлчамини ошириш юкнинг кучайишида, замин грунטי юк кўтарувчанлигининг етарли бўлмаганда, ҳамда пойдевор шикастланганда лозим бўлади. Кучайтиришнинг самарали воситалари:

1. Темирбетон қоплама
2. Узайтириш
3. Янги кўчайтирилган тасмасимон пойдеворни қисман ёки тўла бириктириш.

Пойдеворни таъмирлаш ва кўчайтириш, уларни мустахкамлаш, кенгайтириш, чуқурлаштириш, шунингдек пойдеворнинг бир қисми ёки бутунлай қайта ётқизишдан ташкил топади.

Пойдеворлар ҳолатида ҳамда уларнинг бузилиши ёки ўша зўриқишга олиб келган сабабларга қараб, пойдеворларни кучайтиришни турли усуллари қўлланилади. Қайта тиклаш туфайли пойдеворга фойдали кучларни оширишда пойдеворларни кенгайтириш ёки егар мумкин бўлса, кучларни пойдеворнинг алоҳида турли кучланадиган қисмларига қайта тақсимлаш керак бўлади.

## 2.7.1 Пойдеворнинг ҳисоби.

Лентасимон пойдевор ҳисоби.

Жадвал

№	Юқлар тури	Меёрий юк, н/м <sup>2</sup>	Ишончлилик коэффициенти	Хисоблаш юк, н/м <sup>2</sup>
1	2	3	4	5
I	Модернизациягача Доимий			
1.1	Капиталлиги 20мм $\rho=215 \text{ кг/м}^3$ иситиш қатлам	430	1,1	473
1.2	Қалинлиги 220 мм $\rho=2500 \text{ кг/м}^3$ темирбетон плитадан	3000	1,1	3300
1.3	Рубероид	90	1,3	120
1.4	Цемент қумли стёжка 0,02*2000	400	1,2	480
1.5	$\rho=1800 \text{ кг/м}^3$	830	1,3	1079
1.6	Иситиш қатлами Керамзитли шағал	630	1,2	760

1.7	υ=100мм 0,1*630	50	1,2	60
1.8	Пароизоляция катлам –1	300	1,2	360
2.1	Цемент кумли коплама 0,015*2000	500	1,4	700
2.2	Вақтинчалик	380	1,4	532
2.3	Қордан	1000	1,2	1200
	Шамолдан	6690		8078
	Фой	1880		2432
	Жами: доимий вақтинчалик	8570		10510
	Хаммаси			
I	Модернизациядан сўнг			
1.1	Доимий	45	1,1	49
1.2	Ёпма қатлам	830	1,3	1079
	Иситгич қатлами	4,00	1,2	480
1.3	Цемент –кумли стёжка	630	1,2	760
1.4	Иситгич: керамзит шағал υ=100мм,			

	0,1x630	50	1,2	60
1.5	Пароизоляция катлам – 1	300		
1.6	Цемент – кумли коплама		1,2	360
1.7	0,015x2000	5500		
	Ёпма панелли 220 мм. $\rho=2500 \text{ кг/м}^3$		1,1	6050
	Жами доимий	8065		9239
	Хаммаси	9945		1171
I	Ораёпмадан Доимий			
1.1	Паркет пол $t=0,04\text{м}$ $\rho=630$ $\text{кг/м}^3$	276	1,2	330
1.2	Пардеворлар 0,125x1800	2250	1,3	2325
1.3	Тошқол – бетон катлами $t=0,065\text{м}$ $\rho=1600 \text{ кг/м}^3$	1040	1,2	1249
1.4	Пенобетон – куприк бетонли товушизация	1000	1,2	3600

1.5	плита t=0,06м ρ=500 кг/м <sup>3</sup>	5500	1,1	6050
	Қалинлиги 220мм, темир бетон плита ρ=2500 кг/м <sup>3</sup>	12066		14154
	Жами	1500	1,4	2100
	Вақтинчалик қисқа муддатли	13566		16254
	Ҳаммаси			

Лентасимон пойдеворни ҳисоблаш учун узунлиги 6,06 м бўлган девор қисмини оламиз. Деворнинг 1 м узунликдаги қисмига ораёпмалардан ва ёпмадан тушадиган юкларни қуйидаги майдондан йиғамиз

$$A=1 \times 5,55/2=2,775 \text{ м}^2$$

1 м узунликдаги деворга тушадиган жами юкларни ҳисоблаш:

$$\text{Меёрий: } N_n=(q_1^n+q_2^n+p_1^n+p_2^n \times n p)A+N_1^n+N_2^n+N_3^n+N_4$$

Бу ерда;  $q_1^n=6,690 \text{ н/м}^2$ —ёпмадан доимий;

$Q_2^n=12,066 \text{ н/м}^2$ —ораёпмадан доимий;

$n p$ — қаватлар сони;

$$p_1^n = 1,88 \times 0,9 = 1,7 \text{ кН/м}^2 \text{ – ёпмадан вақтинчалик юк;}$$

$$p_2^n = 1,5 \times 0,9 = 1,35 \text{ кН/м}^2 \text{ – ораёпмадан вақтинча юк;}$$

$N_1^n = 1, \rho_n (1 - \kappa_0)$  – деворнинг  $\pm 0,00$  белгида дераза ўрни узунлиги айриб ташланган узунлиги.

$$K_0 = \frac{2 \times 1,5 \times 1,6}{5,6 \times 3,0} = 0,286$$

$$N_1^n = 0,38 \times 18000 \times 12 (1 - 0,28) = 59097,6 \text{ н/м} = 59,1 \text{ кН/м}$$

$$N_1^n = 0,38 \times 18000 \times 0,7 = 4788 \text{ н/м} = 4,7 \text{ кН/м}$$

$N_1^n = 500 \text{ /м}^3$  – дераза ойналари оғирлиги уртача  $500 \text{ н/м}^3$  деб қабул қилинган;

$b = 0,38$  – девор қалинлиги

$\rho = 18000 \text{ кН/м}^3$  – ғишт зичлиги.

$h = 12,0 \text{ м}$ ,  $0,7 \text{ м}$  – девор ва цокол баландлиги

$$N_2^n = 1 \times 12 \times 500 \times 0,286 = 1,716 \text{ н/м} = 1,716 \text{ кН/м}$$

$N_3^n = h \times H \times \rho = 0,7 \times 2400 \times 0,9 = 15120 \text{ н/м} = 15,12 \text{ кН/м}$  – пойдевор оғирлиги

$$N_n = (6,69 + 12,066 \times 3 + 1,7 + 1,35 \times 3) \times 2,775 + 59,1 + 4,79 + 1,716 + 15,12 = 215,69 \text{ кН/м}$$

Пойдевор асоси энини аниқлаймиз:

$$b = \frac{N_n \gamma_n}{100(R_0 - \gamma_{nt} \times \alpha)} = \frac{215690 \times 0,95}{100(20 - 0,02 \times 120)} = \frac{204905,5}{1760} = 116 \text{ см}$$

бу ерда:  $R_0 = 20 \text{ н/см}^2$   $\gamma_{nt} = 0,02$   $\gamma_n = 0,95$

$\alpha = 1,2 \text{ м}$  – пойдевор баландлиги

$b = 120$  см деб қабул қиламиз.

Шартни текшираамиз;  $\delta_{\max} \leq 1,2R$

$$\text{Бу ерда; } \delta_{\max} = \frac{N_n}{l \times b} + \gamma_{\phi} \times h_{\phi} = \frac{215690}{1 \times 1,2} + 2 \times 1,2 = 17,9$$

$$\delta_{\max} < 1,2 \times 20 = 24 \text{ т/м}^2 \quad 17,97 \text{ т/м}^2 < 24 \text{ т/м}^2$$

Шарт бажарилди.

Модернизациядан сўнг пойдевор хисоби

$$N_n = (q_1^n + q_2^n \times n_p + p_i^n + p_2 \times n_p) A + N_1^n + N_2^n + N_3^n$$

Бу ерда;

$$q_1^n = 8,065 \text{ кн/м}^2 \text{—ёпмадан доимий;}$$

$$q_2^n = 12,066 \text{ кн/м}^2 \text{—ораёпмадан доимий;}$$

$$p_i^n = 1,7 \text{ кн/м}^2 \quad p_2 = 1,35 \text{ кн/м}^2 \quad n_p = 4$$

$$N_1^n = b p H (1 - k_0) = 0,38 \times 1800 \times 15,3 (1 - 0,28) = 75,3$$

$$N_1^n = (8,065 + 12,066 \times 4 + 1,7 + 1,35 \times 4) \times 2,775 + 75,349 + 59,1 + 4,79 + 1,716 + 15,12 \\ = 327,36 \text{ кн/м}$$

$$b = \frac{327360 \times 0,95}{100(20 - 0,02 \times 120)} = 156,7 \text{ см}$$

$b = 160$  см деб қабул қиламиз.

Шартни текшираамиз:

$$\delta_{\max} \leq 1,2 R.$$

$$\delta_{\max} = \frac{327360}{1 \times 1,8} + 2 \times 1,2 = 18,2 \text{ т/м}^2.$$

Пойдеворларни кўчайтириш ишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Пойдевор атрофида ер қатлами қавлвниб, пойдевор қисми очилади. Бу иш пойдеворга шикаст етказмаслик учун техника хавфсизлигига риояқилиш ишларини 2–2,5 см кенгликдаги худудларда амалга оширилади.
2. Пойдеворни бетонлашда яхши қовушишини таъминлаш мақсадида тупроқ ва чанг заррачаларидан тозалаб ювилади.
3. Камида  $\emptyset 20$  А III арматурадан тайёрланган анк қозиқлар ҳар 800 мм кадамда пойдевор остига қоқиш.
4.  $\emptyset 12$  А III арматурадан тўқилган тўрлар пойдевор остига ўрнатилади;
5. Керакли ҳажмда қобиклар ўрнатилади;
6. Пойдевор остига бетон қоришмаси қўйилиб бетонланади;
7. Қотиш жараёни тугагач қобиклар бўшатиб олинади;
8. Белкураклар ёрдами билан қўл меҳнати эвазига пойдевор атрофи тупроқ билан зичлаб тўлдирилади;

Бу ишларни бажариш давомида шикаст етказмасликни таъминлаш ва зарба бермаслик даркор.

Шундан сўнг, пойдевор мустахкамлиги таъминланган, бинода режа асосида ички ва ташқи узгаришларни амалга ошириш ва қўшимча қаватни қуриш имкониятига эга бўламиз.

## **2.7. 2. Простенкаларни кучайтириш услуги.**

Простенкалар (дераза–эшиқлар оралиғидаги девор) ғиштларни қоплама (обойма) билан кучайтирилади. Қопламалар пўлатдан, темирбетондан ва армацементдан бўлади. Пўлат қоплама вертикал ўрнатилган металл уголок стойка ва уларни бириктирувчи тасмасимон пўлатдан (планка)иборат конструкцияни ифодалаш.

Ғишт ёки бошқа шу каби материалдан терилган деворни қоплама билан ураш қуйидагича амалга олширилади. Простенка юзаси уголокни устунчалар ўрнатилган жойлари сувоқдан тозаланади ва текисланади. Простенкалар лойиҳа ҳолатида юпқа цемент билан қотирилади. Қоплама ва простенкаларни биргаликда ишлпшини олдиндан тортиб тарангланган тасмасимон металл планкалар таъминлайди. Улар уголок–устунчаларга қотирилган булиши лозим. Мазкур лойиҳада устунсалар 50×50×5 мм улчамли уголокдан ва 50×5 мм металл полосалардан қилинган.

### Простенкаларни ҳисоблаш.

1м узунликдаги юкларни йиғиш.

Жадвал 3.

№	Юклар номи	Ҳисоб формуласи	P кг/м <sup>2</sup>
	Ёпмадан	1167,1×2,775	3238,7
	Қават	1625,4×2,775×4	18041,9
	ораёпмаларидан		10843,2
	Қават ғишт оғирлиги	(0,38×3,3×3+0.38×3,3+0,6×0,2)×1800	
		жами	32123,8

Уголок кесим юзасини аниқлаш:

Простенкани эни–1,2м  $1,2×32123,8=38548,56\text{кг}$

Икки дераза оралиғи ххххх нуқтаи назаридан 4та уголок қулланилади ва шунга кўра топилган қийматни 4га бўламиз:

$38548,56:4=9637,14$

$\vartheta = P/F [\delta] = 2050 \text{ кг/м}^2$

$F= P/ [\delta] = 9637,14/2050=4,7 \text{ см}^2$

Уголоклар сортаментидан 5×50×50 кесимини оламиз

Уголокнинг профил номери – 5 ГОСТ – 8509–72.

### **2.7.3. Бетон конструкцияларини гидроизоляциясини тиклаш.**

